

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR:

DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022

TOMAS ALVA EDISON
(1847-1931)

2022

MART

№38



CONFERENCES.UZ

Toshkent shahar, Amir
Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81

+998 94 404 00 00

www.tadqiqot.uz

www.conferences.uz



**ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ
АНЖУМАНЛАР:
3-ҚИСМ**

**НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ
УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ
КОНФЕРЕНЦИЙ:
ЧАСТЬ-3**

**NATIONAL RESEARCHES OF
UZBEKISTAN: CONFERENCES
SERIES:
PART-3**

ТОШКЕНТ-2022



УУК 001 (062)
КБК 72я43

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]

“Ўзбекистонда миллий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” мавзусидаги республика 38-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 март 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 13 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ҳузуридаги ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Ҳамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Муסיқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

1. Бекчанова Зайнаб АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ МЕРОСИНИ МУЗЕЙ ЭКСПОЗИЦИЯСИДА ЁРИТИЛИШИ.....	7
2. Ўктамбой Сотимов, Бахтиёр Ибрагимов ЖАФАР ҲОЖИ ИБН НАСРИДДИН ХУҲА АЛ-ХУСАЙНИЙ АЛ-КАРВАКИЙ АЛ-ҲАЗОРАСПИЙ	9
3. Azamat Fayzullayev OGAHIYNING “GULSHANI DAVLAT” ASARIDA SAYYID MUHAMMAD XONGA BERILGAN SIFATLAR.....	11



ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ МЕРОСИНИ МУЗЕЙ ЭКСПОЗИЦИЯСИДА ЁРИТИЛИШИ

Бекчанова Зайнаб

“Ичан-Қалъа” Давлат музей-қўриқхонаси
бўлим мудири
+998975125242

Аннотация: Мақолада муаллиф умрини илмга бағишлаган ва дунё тамаддунида ёрқин из қолдирган буюк олим, мутафаккир Абу Райҳон Беруний ҳаёти ва фаолияти, унинг илмий-маданий меросини музейда ёритилишини ўзининг фикр мулоҳазаларини баён қилган.

Калит сўзлар: Кот, Хоразмшоҳ, Маъмун академияси, музей экспозицияси, Дорул ҳикмат вал маориф.

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний ўрта аср қомусий билимлар донишманди, астрономия, математика, фалсафа, жўғрофия, этнография, антропология, геология, тарих, ботаника, фармакология фанларининг олими ва инсонпарвар шахс бўлган.

Беруний 973 йилнинг 4 сентябрида Хоразмнинг қадимий пойтахти Кат шаҳри (ҳозирги Қорақалпоғистондаги Беруний шаҳри) яқинида таваллуд топган. Олим математика ва астрономия каби фанларнинг ривожланишига, шу жумладан, сайёралар жойлашувини ҳисоблаб чиқишни осонлаштириш учун астрономик параметрларнинг назарий ҳосиласи ва жадвал функцияларни ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшган.

Беруний 150 га яқин асарни яратиб, ўз давридаги аниқ, табиий ва ижтимоий фанларнинг деярли барча соҳаларига тааллуқли катта илмий мерос қолдирди. Беруний асарлари кўплаб тилларга таржима қилинган ва шу кунгача ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолган. Шу муносабат билан Хива шаҳрида Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Беруний ҳаёти ва фаолиятини ёритадиган Хоразм Маъмун академияси музейини ташкил қилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг улўғ аждодларимизнинг энг буюк илмий ва маънавий ютуқларини янада чуқурроқ ўрганиш зарурлиги ҳақидаги ғоялари ва фикрларини ўзида тўлиқ акс эттиради. —Дорул ҳикмат вал маорифнинг замонавий музейини яратиш ғояси ҳам давлат раҳбарига тегишли бўлиб, президентимиз 2020 йил 12-13 март кунлари Хоразм вилоятига ташрифи чоғида бу масалага алоҳида эътибор қаратгана эдилар. Янги музей экспозицияси Хива шаҳри Ичан-Қалъа мажмуасининг Муҳаммад Амин Иноқ мадрасаси биносидида ташкил этилди. —”Дорул ҳикмат вал маориф” музейини яратиш мақсади - Ўзбекистон халқларининг маънавий маданиятининг юқори даражасини намоиш этиш учун унинг машҳур илм-фан марказларидан бири –Хоразм Маъмун академияси мисолида ўзига хос янги, замонавий шаклда кўрсатишдир. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: **«Хоразм ҳақида гап кетганда, биз дунё илми, маданияти ва санъати ривожига муносиб ҳисса қўшган** бетакрор мамлакатни тасаввур қиламиз. Маъмун академияси, Ўрта асрларда бу ерда ташкил топган. Шарқ ва Ғарбда катта шуҳрат қозонган».

XI асрнинг бошларида ташкил этилган Маъмун академиясида кўплаб машҳур ва йирик олимлар фаолият кўрсатдилар. Уларнинг меросинафақат битта миллат ёки халқнинг балки, бутун инсониятнинг илм-фан ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Агар Шарқнинг бундай буюк алломалари бўлмаганида эди, замонавий тиббиёт, космик тадқиқотлар, нанотехнологиялар, атом энергетикаси, биоинженерия ва ҳк. фанларнинг тараққиёти бўлмас эди, —”Дорул ҳикмат вал маориф” музейининг илмий концепцияси ва мавзули-экспозиция режаси Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон Бадий академиясининг академиги, санъатшунослик доктори, профессор Акбар Абдуллаевич Ҳакимов томонидан ишлаб чиқилди. Замонавий музейининг концепцияси ва дизайнини тайёрлашда унинг энг



йирик сайёҳлик марказларидан бирида жойлашганлиги ва шунга мос равишда жозибали кўринишга эга бўлиши, экспозициянинг ўзига хос тақдироти ва ажралиб туриши, ғайриоддий меъморий ва дизайн ечими ҳисобга олинди. Шу сабабли —Зийнат дизайн компаниясининг ижодий гуруҳи —Дорул ҳикмат вал маориф музейи экспозициясида замонавий рақамли ва компьютер технологиялари асосида инновацион ғоялар ва ечимлардан фойдаланганлар. Дизайнерлар томонидан ички ечимнинг ўзига хос хусусияти асосий залнинг майдони билан боғлиқ бўлиб, у режада 173 квадрат метр саккизбурчакни ташкил этади. Залда Маъмун академияси аъзолари бўлган 7 нафар асосий олимларнинг голограмма тасвирлари пайдо бўладиган ва асосий маълумотлар келтириладиган бадиий рақамли панел ўрнатилган. Булар илм-фаннинг турли соҳаларида фаолият юритган Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср ибн Ироқ, Абу Саҳл ал-Масихий, Абу Мансур ал-Саолибий, Абул-Хайр ал-Ҳаммор, Ибн Мискавайх каби олимлардир. Мазкур олимлар математика, астрономия, тарих, тиббиёт, шеърят, фалсафа ва бошқа соҳалардаги тенгсиз асарлари туфайли дунё микёсида тан олинган.

Бу ерда янги технологиялар қўлланилади - буюк олимларнинг рақамлари 3Д форматдаги махсус қопламадан ясалган панелнинг ингичка тўр юзасида пайдо бўлади. Уларнинг тасвирлари мэппинг (харитада тасвирлаш техникаси)да визуал расмлар билан бирга келтирилган бўлиб, уларнинг драмси ва мазмуни академик Акбар Ҳакимов ва санъатшунослик фанлари фалсафаси доктори Машариб Абдуллаев томонидан тайёрланган. Асосий залнинг периметри бўйлаб кичик хужралар - хоналар жойлашган бўлиб, уларнинг ҳар бири буюк олимлар - Маъмун академияси аъзолари фаолиятини акс эттиради. Асосий залга кираверишда, ўнг томонидамасжид, чап томонда эса —Дорул ҳикмат вал маориф кутубхонаинтерьерлари жойлашган. Масжид — қиблани кўрсатувчимехроб, Қуръон учун анъанавий лавҳ, жойнамоз, салла ва бошқалар билан ифодаланган. Кутубхона интерьерлари кўпроқмаълумотга эга. Кутубхонада Беруний ва Ибн Синонинг —Дорул ҳикмат вал маориф да ишлаган ёш олимларнинг мум хайкаллари, кутубхона деворларида ушбу олимларнинг фаолияти тўғрисида ҳикоя қилувчи видео материаллар мавжуд. Уларнинг суҳбати сюжети машхуррассом Ч.Аҳмаровнинг сурати композициясига асосланган. Қолган кичик хоналарда, маълум бир олимнинг фаолиятини ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи композициялар билан деворларни безаш ва шу билан бирга уй-рўзғор буюмлари, Маъмун академияси аъзолари - олимлар фаолияти тўғрисидаги тўлиқ ва ажойиб маълумотлар берилади. Умуман, Маъмун академияси музейи экспозицияси ва дизайни ғояси муаллифлари таълим, маърифий ва кўнгил очиш вазифаларини ҳал қилишда янги рақамли технологиялар ва инновацион усуллардан фойдаланганлар

ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг 211-сессиясида буюк олим Абу Райхон Беруний (973-1048) таваллудининг 1050 йиллиги ЮНЕСКО шафелигида 2022-2023 йилларда кенг нишонланиши бўйича қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси раиси Азиз Абдуҳакимовни таъкидлашича мазкур юбилей санасини ЮНЕСКО раҳнамолигида нишонлаш ташаббуси Ўзбекистон Республикаси томонидан ишлаб чиқилган ва Бош қароргоҳга тақдим этилган номзодлик ҳужжати Эрон Ислом Республикаси, Тожикистон ва Туркия каби давлатлар томонидан қўллаб-қувватланган.

Абу Райхон Беруний таваллудининг 1050 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда Беруний таваллудига бағишланган қатор тадбирлар ўтказилади. Бундан ташқари, Беруний юбилей санаси Эрон, Тожикистон ва Туркия давлатларида ҳам кенг нишонланиши ҳамда ҳамкорликда тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган.

Фойдаланган адабиётлар

1. С.Х.Сираждинов, Г.П.Матвиевская, А.Ахмедов “Математика и Астрономия в работах Абу Райхона Беруни” изд. “Фан” 1973 г. 9-15 ст.
2. Д.Бобожонов, М.Абдурасулов « Абадият фарзандлари» Хива. Хразазм Маъмун академияси нашрети 2009 йил. 13-16 бетлар.
3. The Tarikh Baihaki containing the of Masaud, son of Sultan Makhmud of Ghaznin ... Ed bu W.N.Morley. — Calcutta, 1861-1862; Арденс А.К. Абу Райхон Берунийнинг “Хоразм тарихи” асари // “Беруний ва ижтимоий фанлар” тўпламида. — Тошкент: “Фан”, 1973, 86-бет.
4. Арденс А.К. Абу Райхон Берунийнинг “Хоразм тарихи” асари, 88-бет.



ЖАФАР ҲОЖИ ИБН НАСРИДДИН ХЎЖА АЛ-ХУСАЙНИЙ АЛ-КАРВАКИЙ АЛ-ҲАЗОРАСПИЙ

Ўктамбой Сотимов.

“Ичан-Қалъа” Давлат музей-кўриқхонаси

“Хоразм табобат тарихи” бўлими мудир

Бахтиёр Ибрагимов.

“Хоразм табиати” бўлими мудир

+998914362568

Аннотация: Ушбу мақолада XIX асрда Хоразмда яшаган машҳур табиб Жафар Ҳожи ибн Насриддин Хўжа ал-Хусайний ал-Карвакий ал-Ҳазораспий ҳаёти ва фаолияти ёритилади.

Муҳаммад Раҳимхон I /1806-1825/ ва Оллоқулихон /1825-1843/ даврида яшаган Ҳозирги Ҳазорасп туманининг Карвак қишлоғида туғилган табиб Жафар Ҳожи ибн Насриддин Хўжа ал-Хусайний ал-Карвакий ал-Ҳазораспий бошланғич таълимни ўз қишлоғидаги мактабда, сўнгра Хивадаги Шерғозихон мадрасада таҳсил олади. Араб, форс тилларини яхши ўзлаштириб табибчилик қилиб, халқ орасида шухрат қозонади ва Хивада 30 йилдан ортиқ тиббиёт соҳасида фаолият олиб бориб Шерғозихон мадрасада тиб илмидан талабаларга таълим-тарбия берган улуғ устоздир.

Калит сўзлар: Хива, Хазарасп, тиб илми, экспозиция.

XVIII асрнинг иккинчи ярми –XIX асрнинг биринчи ярмида Хоразмда яшаб ижод этган табиб Ҳазораспий 1823-йилда “Тиббий рисола” ёзади. (Рисоланинг номи йўқ, шартли равишда шундай аталган) Бу рисола устида илмий изланишлар олиб борилмоқда ва Шарқшунослик институтида №3336-рақами остида сақланмоқда. Рисола 67 бободан иборат бўлиб, унда “Бошдан-оёқкача” бўлган инсон бадани аъзоларининг ҳар хил касалликлари ва уларни турли гиёҳлар ёрдамида даволаш усуллари баён қилинган.

Ҳазораспий рисола сўнгида китобхонлардан китобни ўқиш жараёнида баъзи бир жузъий ҳатоларга йўл қўйилган бўлса, кечиришларини ва ҳатони тузатиб қўйишни илтимос қилади.

Китобнинг биринчи боби Оллоҳ марҳаматларига бағишланган.

Унинг ёзишича, Оллоҳ инсонни яратди, ва унга бир неча хил касалликларни берди, шунингдек, Оллоҳ касалликларга қарши мингдан зиёд дори-дармонларни яратди. Табиблар инсонларни барча касалликлардан даволаши лозим деб келтирилади.

Ҳазораспийнинг бизгача етиб келган асарининг нодир қўлёзма нусхаси номаълум котиб томонидан асар ёзилгандан 4 йил кейин, яъни 1827 йилда кўчирилган. У форс тилида ёзилган бўлиб, мазмун жиҳатдан Ибн Синонинг “Тиб қонунлари”нинг учинчи китобига жуда яқин. Китоб Хоразмликлар учун тушунарли, содда тилда ёзилган. У айрим ўринларда асосли равишда Хоразм шеvasидан ҳам фойдаланган.

Ҳазораспий тиб китобида айтишича одам организми муозанатининг бузулишига нотўғри овқатланиш, табиий факторларнинг таъсири ва бошқа салбий ҳодисалар сабаб бўлишини, устоз сифатида табибларни аввало одам танаси тузулишини, ички аъзоларнинг иш фаолиятини, уни чуқур билиши лозим дейди. У касалликни аниқ билмасдан туриб, беморга шифо муолажа беришни қаттиқ қоралайди ва касалликни синчиклаб ўрганиб, тўғри ташхис қўйишни тақитлайди.

Ҳар қандай хасталикни даволашдан олдин аввал-бошдан организмни ички хилтлар-чиқиндилардан тозалаш керак деб уқтиради. Бунинг учун беморга сурги дориси бериш, қайт қилдириш шарт. Керак пайтида қон олишни буюради. Қон олишда беморнинг жинси, ёши ва йил фаслларига эътибор бериш лозим дейди. Хасталикларни даволашда шифобахш гиёҳлардан ташқари пархез овқат, туз конлари, куёш нуридан ва иссиқ қумдан фойдаланишни тавсия қилади.

Ҳазораспий мазкур асарида бобма-боб тажрибалар тарзда инсон организмда учрайдиган барча хасталиклар ва уларни даволаш йўллари изохлаб беради. Хатто мия хасталикларини ўрганиш, аниқлаш ва даволаш усуллари ҳам батафсил келтиради.

Рисолада инсон организми касалликлари ҳозирги тиббиётда қўлланиладиган кўринишда, турлар, тасниф бўлинган ва изчил изохли мулоҳазалар юритилган ва ўсимлик, ҳайвонот, минерал моддалар билан даволашда қўлланиладиган дориворларни тайёрлаш усуллари тўла баён қилиш билан асар тугалланади. Асарнинг бир бўлими қон олиш ва унинг турларига



бағишланган. Унда артерия, вена ва бошқа қон томирларнинг анатомияси хусусида ёзилган, чунки қон олишда ҳар бир табиб томирлар топографиясини яхши билиши лозим дейди. Қон олишнинг хавфлилиги уни тез оқизиб ёки секин олиниши билан боғлиқ. Биринчи ҳолатда хавф иккинчига қараганда кўпроқ эканлиги кўрсатилган.

Ҳазораспий у ёки бу касалликни даволаш мақсадида қон олиш мумкин бўлган бешта томир тўғрисида ёзади. Масалан, салим томирлари қўлнинг орқа юзасидаги тери остидан ўтади. Бу томирдан қон олиш билан талоқ ва жигар касалликларини даволаш мумкин.

Асарда Ҳазораспий калла суяги анатомияси ва унинг ичидаги аъзо (бош мия)га ҳам тўхталади. У шундай бошлайди:

«Обрўли табиблар бир овоздан тасдиқлайдиларки, одамнинг бош мияси учта катта бўлакдан иборат. Бу бўлақлар бир-бирига ёпишган бўлиб, иккала бўлакнинг ўртасида миянинг оралиқ қисми жойлашган. Унда кўз, қулоқ, бурун, хид сезиш ва бошқа сигналлар ўтади, сўнгра улар мия ичига сингиб таҳлил қилинади ва инсоннинг ташқи муҳит билан мулоқотида айланади. Сигналдан кейин айнан инсон миясида жавоб юзага келади, бу инсон ақлидир. Бу жавобга кўп нарса боғлиқ у бош миянинг ўзаро қўшилувчи иккала бўлаги ўртасида ёки шу ердаги оралиқ майдонда жойлашган».

Ҳазораспий устоз сифатида ҳар бир табибга мия анатомияси ва унинг фаолиятини чуқур билишни тавсия қилади. Чунки у ёки бу марказнинг бузилиши натижасида ҳар хил белгилар билан қатор касалликлар пайдо бўлади. У мия касалликларининг бир неча турлари ва уларни даволаш йўллари тўғрисида ёзади. У табиий ҳолат бузилиши натижасида юзага келадиган хилма хил бош оғриқлари тўғрисида ҳам тўхталади.

Ич кетишдан кейин содир бўладиган бош оғриқлари, уларни ташхислаш ва даволаш йўллари ҳам тавсифланган. Бошнинг ярмида пайдо бўладиган оғриқлар, уларнинг турлари, ўсмалар ташхиси ва даволашга ҳам алоҳида эътибор беради.

Ҳазораспий Хоразм воҳасида учрайдиган кўз касалликлари уларнинг клиник кечиши, даволаш ва прогнози тўғрисида ёзади. қулоқ, бурун, оғиз бўшлиғи, тиш, тил, ўпка, ошқозон-ичак йўллари ва сут безлари касалликлари, жигар, талоқ, сийдик йўллари, эркалар ва аёллар жинсий аъзолари касалликлари, оёқ-қўллар, болаларда учрайдиган қизилча, сувчечак, кўкйўтал, хўразак, (муаллиф бу касалликлар фақат болалар касаллиги эмас, балки катталарда ҳам кўп учрашини айтади) тери-таносил касалликлари: кал, сўзак, захм; турли ранг ўзгаришлар сўгал, хашаротлар чақиши, уларнинг заҳарлари билан организмнинг заҳарланиши, кўриш қобилятини йўқолишига сабаб бўлувчи қатор касалликлар профилактикаси ва давоси усуллари бўйича илмий изланишлар олиб боради ва унинг натижаларини халқ соғлигини сақлашга тадбиқ этади.

Кўз касалликларини устоз табиб Ҳазораспий 17 турга ажратади ва уларнинг клиникаси, кечиши, ташхиси ва давоси тўғрисида маълумотлар келтиради. Трахомани таърифлар экан, у қовоқлар ва уларга ёндош тўқималарнинг ҳолати тўғрисида маълумот беради. Қовоқнинг ўралиб қолиши, қалинлашуви, қотиши ва иккала қовоқни кўзнинг ички бурчагида битишиб қолиши бу касалликнинг асосий кўринишлари деб ҳисоблайди муаллиф.

Ҳазораспийнинг тиббий рисоласи Марказий Осиёдаги табиблар учун айниқса, Шерғозихон мадрасасидаги илми толиблар учун дарслик вазифасини ўтаган ва узоқ йиллар табиблар учун қўлланма вазифасини ҳам бажарган. Бугунги кунда “Ичан-Қалъа” давлат музей кўрикхонасининг Шерғозихон мадрасасида жойлашган табобат музейида алоҳида Ҳазораспийга бағишланган бурчак ҳам ташкил этилган.

Хивага ташриф буюрган минглаб сайёҳлар албатта музейи экспозицияларида табобат тарихи, ўзбек халқининг тиббиёт соҳасида тутган ўрни ва аждодларимизнинг бизга қолдирган илмий мерослари билан ҳам яқиндан танишадилар. Музей экспозициялари орқали тиббий маданият тушинчаларини тарғиб этиш ва ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Мадрахимов О. Хоразм сўзининг маънолари “Фан ва турмуш”, 1974, №2
2. Гаипов М, Хасан Р. Раззақ О. «Хива табобати» Тошкент 1995 й. 47-48 бет
3. Фуломов Я.Ф. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. — Т.: “Фан”, 1959. 23 бет.
4. Ю.А. Рапопорт “Культура и искусство древнего Хорезма” Москва 1981.г
5. «Хоразм табобат тарихи экспозициясининг» экскурсия матни.



OGAHIYNING “GULSHANI DAVLAT” ASARIDA SAYYID MUHAMMAD XONGA BERILGAN SIFATLAR

Azamat Fayzullayev,

Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti

3-bosqich talabasi

Tel: +998972776646

Annotatsiya: Ushbu asarda Ogahiyning “Gulshani davlat” tarixiy asarida yoritilgan voqealar hamda u bilan bog‘liq ba’zi tarixiy shaxslar hayoti yoritilgan. Maqolani yaratishda bevosita allomaning 2019-yilda ffd. Abdulla O‘rozboyev tomonidan nashrga tayyorlangan “Gulshani davlat” asarida hamda shu asar haqidagi ba’zi tadqiqotlardan foydalanildi.

Kalit so‘zlar: “Gulshani davlat”, hukmdor, mubolag‘a, oyat, hadis.

XIX asr Xiva xonligi tarixchisi, davlat va jamoat arbobi, tarjimon va shoir Muhammad Rizo Ogahiy qalamiga mansub “Gulshani davlat” (“Davlat gulshani”) asari Xorazm hukmdori, mashhur shoir Feruzning otasi Sayyid Muhammadxonga bag‘ishlangan bo‘lib, 1865-yilda yaratilgan. Ushbu tarixiy asarda Sayyid Muhammadxonning taxtga chiqishidan (1856-yil) to uning vafotiga qadar (1864-yil) bo‘lgan sakkiz yillik tarixiy voqea-hodisalar jamlangan bo‘lib, XIX asr Xorazm tarixini o‘rganishda muhim manba sanaladi. Asarda Xiva xoni Sayyid Muhammadxonga bag‘ishlangan qasidalar va masnaviylarning ko‘pligi, unda hukmdorga zarur bo‘lgan fazilatlarining tasvirlanishi hamda hukmdor yiroq bo‘lishi kerak bo‘lgan illatlar, shuningdek, hukmdorning haddan ziyod mubolag‘ali tasvirlar bilan ulug‘lanishidir. Bir masnaviyda quyidagicha misralar uchraydi:

Shahekim, bo‘lub makrumat toj anga,

Maqomi daniy keldi me’roj anga.

Topib lutfi Haqdin sarafrozlik,

Rusul ma’shari ichra mumtozlik.

Ushbu misralarda Sayyid Muhammadxonning taxtga chiqishi unga misli me’roj bo‘lganligini, ya’ni uning iqboli kulib boqqanligi, Haq subhanahu va taolodan lutf va karam ko‘rib, taxtga o‘tirishga muyassar bo‘lganligini, Payg‘ambar alayhissalom ko‘rsatgan hidoyat yo‘lida mumtozlikka musharraf bo‘lganligi haqida aytilmoqda. Asarning badiiy tili o‘zining murakkabligi va jimjimadorligi, tashbehlarining g‘oyatda o‘rinli va ibratli tarzda qo‘llanilishi bilan o‘z davrining boshqa tarixiy adabiyotlaridan farq qiladi. Misol uchun, “Zafarnishon tug‘iga *“inna fatahna laka fathan mubiyina”¹ shuqqakushoyidur, fathiqtiron tig‘iga “Va yansurakallohu nasran aziyza”² javohiri ziynatafzoydur*”. Hukmdorning ulug‘lanishida Qur’oni Karim oyatlari va hadislaridan foydalanish Sharq mumtoz tarixshunosligida odatiy hol hisoblanib, bu yerda ham aynan shu an’anaga amal qilingan. Bu yerda ham podshoning tug‘i (bayrog‘i) ga “Fath” surasining 1-oyatini tashbeh qilish, ya’ni hukmdorni hamisha muzaffar (g‘olib) deb alqash kuzatilmoqda. Podshoning tig‘i (qilichi, nayzasi) esa shu suraning 3-oyatiga qiyoslangani, ya’ni podsho qo‘lidagi kuch-qudrat unga doimo zafar ato etishi, xalqni ham aynan shu qudrat yordamida itoatda saqlash mumkinligi aytilmoqda.

Ogahiy asardagi boshqa she’rlarda ham hukmdor sha’niga maqtovlarni davom ettirib quyidagi ta’riflaydi:

Sadoqatda kelib Siddiq monand,

Adolatda Umar yanglig‘ hunarmand.

Hayoyu hilm aro Usmon nishona,

Shijoatda Ali yanglig‘ yagona.

Ogahiy ushbu misralarda “talmeh” (misralarda tarixiy yoki afsonaviy shaxslar va joy nomlarini qo‘llash) badiiy san’atini qo‘llash orqali hukmdordagi sifatlarni to‘rt roshid xalifada mavjud bo‘lgan ulug‘ fazilatlariga qiyoslamog‘da. Tarixdan ma’lumki, Abu Bakr Siddiq juda sadoqatli, taqvoli hamda ilmli, Umar al-Foruq har ishda uzoqni o‘ylab ish tutuvchi tadbirkor va jasur, Usmon az-Zinnuroyn hayoda va hilm (yumshoq tabiatlilik, muloyimlik, xushmuomalalik) da, Ali al-Murtazo shijoat va botirlikda o‘z davrining tengi yo‘q zotlari bo‘lishgan.

1 “Biz Sizga aniq fath (g‘alaba) baxsh etdik” (“Fath” surasi, 1-oyat).

2 “Allohning Sizga kuchli yordam berishi uchundir” (“Fath” surasi, 3-oyat).



Asarda Ogahiy faqatgina hukmdorni alqash va ulug‘lash bilangina cheklanib qolmasdan, Sayyid Muhammadxon taxtga chiqishidan oldin Xiva xonligida yuz bergan tarixiy voqealarga ham alohida to‘xtalib o‘tadi. 1856-yilda Xiva xoni Qutlug‘ Murodxon yovmutlar bilan til biriktirgan xonning amakivachchasi Muhammad Niyoziy ibn Muhammad Nazar inoq uyshtirgan fitna natijasida qatl etiladi. Ammo arkoni davlat bu fitnadan ogoh bo‘lib, qirq nafar navkar yuborib, xon saroyidagi ko‘rinishxona dahlizida fitnachilar bilan taxminan uch yarim soat jang qildilar. Arkoni davlat Vaysniyozboy va Muhammad Murod mahram yordamida marhum xonning akasi Sayyid Mahmud to‘ra (Sayyid Muhammadxon) ni taxtga o‘tqazmoqchi bo‘ladilar. Ammo u kishi taxtga o‘tirishni istamas, aksincha, Xudoga toat-ibodat bilan band edi. shuning uchun dastlab u arkoni davlatning istagini rad etadi. Ammo marhum xonning yaqin kishilari Vaysniyozboy va Muhammad Murod mahram qistovi bilan taxtga o‘tirishga rozilik beradi.

Xulosa qilib aytganda, “Gulshani davlat” asari qanchalik hukmdorga yonbosib yozilgan bo‘lmasin, baribir o‘sha davr hodisalarini real anglashda o‘ta muhim va qimmatli manba sanaladi. Chunki o‘sha davrda yuz bergan turli xalq qo‘zg‘olonlari, xalqning nochor ahvoli, hukmdor atrofidagi amaldorlar va hokimlarning xalqqa qilayotgan zulmi davrga tirik guvoh bo‘lgan Muhammad Rizo Ogahiy tilidan aytib beriladi. Ogahiy hukmdorni adolatga chorlash va maqtash bilan bir qatorda, uning davrida yuz bergan voqealarni ro‘yi-rost bayon etishga intiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Muhammad Rizo Erniyozbek o‘g‘li Ogahiy. “Gulshani davlat”. T.; “Sharq”, 2019.
2. Q.Munirov. Munis, Ogahiy va Bayoniyning tarixiy asarlari. — T.: 1961;
3. Q.Sultonova. Ogahiyning „Gulshani davlat“ asari adabiy manba sifatida. -T.:2000;
4. <http://ogahiy.tsuos.uz/xonlar-alqagan-hassos-muarrix-muhammad-rizo-ogahiy/#>

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 3-ҚИСМ

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.03.2022

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000